

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**БЕКТЕМИРОВ АБДУМАЛИК**

**ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ВА  
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по**

**Бектемиров Абдумалик**

Иссиқлик таъминоти хизматларини **экономическим** наукам

**Content of dissertation abstract Doctor of Science (DSc)  
in Economics Sciences**

такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий асослари ..... 3

**Бектемиров Абдумалик**

Теоретико-методологические и практические основы совершенствования  
услуг теплового обеспечения..... 35

**Bektemirov Abdumalik**

Theoretical - methodological and practical basis of improvement of heat supply  
services ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 69

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**БЕКТЕМИРОВ АБДУМАЛИК**

**ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ВА  
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Iqt18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Носир Махмудович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Курбанов Зият Ниязович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «3» XII соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84, факс (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).)

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси 9-уй. Тел.: (99866) 231-12-53 e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» XI кун тарқатилди.  
(2021 йил «19» XI даги 8 рақамли рессур баённомаси)



**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Н.Э.Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.М.Муҳаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсонлар ҳаёти учун зарур физиологик эҳтиёжлардан бири – бу иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёждир. «Дунё миқёсида анъанавий энергия турлари орасида иссиқлик энергияси устунлик қилади. Дунё электр энергиясини ишлаб чиқаришда 46 % кўмирдан, 18 % газдан, тахминан, 3 % биомассадан, 0,2 % нефтдан фойдаланилади. Умуман олганда, иссиқлик электр станциялари дунёдаги барча электр станциялари умумий ишлаб чиқаришининг 2/3 қисмини таъминлайди»<sup>1</sup>. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида мамлакатларда энергия тежамкорлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай шароитда иссиқлик таъминоти тизимида табиий монополиянинг мавжудлиги сабабли мазкур соҳада кўрсатилаётган хизматлар тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Жаҳонда иссиқлик энергияси таъминоти соҳасидаги тажрибалар негизида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан модернизациялаш, иссиқлик таъминоти хизматлари бозорини ташкил этиш, уни монополиядан чиқариш ва ривожлантириш, бошқаришни такомиллаштириш, иссиқлик энергияси ва уни етказиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш сифати мезонларини ишлаб чиқиш ва қонунийлаштириш, иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишда шамол, қуёш, геотермал энергия, биоэнергетика каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни жадаллаштириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти тизимини жадал ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак»<sup>2</sup>. Мамлакатимиз раҳбарининг бу кўрсатмалари иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Ўз навбатида бу иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини модернизациялаш жараёнини жадал амалга ошириш, тизимда бозор муносабатларини ривожлантириш, тизимнинг ички имкониятларини аниқлаш ва ундан тўлиқ фойдаланиш, иссиқлик таъминоти хизматларининг сифатини ва узлуксизлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш, энергия тежамкорлигига асосланган илғор технологияларни қўллаш сиёсатини давом эттириш каби вазифаларни самарали ҳал этиш иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштиришни, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

<sup>1</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/Теплоэнергетика>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси, “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 86 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги (2019йил), ««Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги (1997йил) Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2021йил) Қонунлари, «Уй-жой кодекси» (2013 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сонли Фармонлари, 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги «2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2912-сонли, 2019 йил 2 декабрдаги «Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4542 сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 194-сонли, 2016 йил 26 февралдаги «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли, 2016 йил 2 июндаги «Республика иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Иссиқлик таъминоти хизматлари тизимларини такомиллаштиришга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Derby (Англия), Iceland School of Energy-Reykjavik University (Исландия), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Kungl Tekniska Högskolan – KTH (Швеция), Tampere University of Technology (Финляндия), Technical University of Denmark (Дания), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Tsinghua University (Хитой), RWTH Aachen University (Германия), KAIST – Korea Advanced Institute of Science & Technology (Жанубий Корея), Москва Давлат қурилиш университети

---

<sup>3</sup>University of Derby (Англия); Iceland School of Energy-Reykjavik University (Исландия); Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); Kungl Tekniska Högskolan – KTH (Швеция); Tampere University of Technology (Финляндия); Technical University of Denmark (Дания); Massachusetts Institute of Technology (АҚШ); Tsinghua University (Хитой); RWTH Aachen University (Германия); KAIST – Korea Advanced Institute of Science & Technology (Жанубий Корея), Москва Давлат қурилиш университети (МГУС, Россия); Тошкент архитектура-қурилиш институти (ТАҚИ); Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (СамИСИ) веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

(Россия), Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини бошқаришни такомиллаштириш, иссиқлик таъминоти узлуксизлигини ва унинг сифатини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: энергия тежамкорлигига асосланган уйларни иситишнинг индивидуал тизимлари таклиф этилган (University of Derby, Англия); технологик тадқиқотлар натижасида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимида геотермал энергиядан фойдаланиш механизми такомиллаштирилган (Iceland School of Energy-Reykjavik University, Исландия); маиший чиқиндиларни ёқиш технологияларидан фойдаланиш орқали иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш таннархини пасайтириш таклиф этилган (Norwegian University of Science and Technology, Норвегия; Kungl Tekniska Högskolan – KTH, Швеция; Tampere University of Technology, Финляндия); тармоқдаги иссиқлик йўқотилиши ҳажмини кескин пасайтириш мақсадида рақамли бошқарув ва назоратга ўтказиш таклиф этилган (Technical University of Denmark, Дания); энергия тежамкорлигига эришиш учун мотивация тизимининг замонавий усулларидан фойдаланиш таклифи ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); соҳада самарадорликка эришиш учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий технологиялари таклиф этилган (Tsinghua University, Хитой; RWTH Aachen University, Германия); уйларни иситишдаги узлуксизликни ва сифат даражасини оширишни таъминлаш учун ноёб «ондоль» (иссиқ пол) усули яратилган (KAIST – Korea Advanced Institute of Science & Technology, Жанубий Корея), ёқилгидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда иссиқлик энергиясини электр энергияси билан биргаликда ишлаб чиқиш таклифи берилган (Москва Давлат қурилиш университети); бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш асосида иссиқлик таъминоти хизматлари тизими такомиллаштирилган (Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти).

Жаҳонда иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини бошқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини бозор муносабатлари асосида табиий монополиядан чиқариш, иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини бошқаришни рақамлаштириш, соҳада энергия тежамкорлигига эришиш, инновацион ёндашувлар асосида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш таннархини пасайтириш, замонавий технологияларни қўллаш орқали харажатларни минималлаштириш, иссиқлик энергиясига тўлов тартибини такомиллаштириш, соҳани давлат дотациясидан чиқаришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишда алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш, «янада тоза» технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш, замонавий лойиҳавий ечимлар орқали инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётларда иссиқлик таъминоти хизматлари самарадорлиги ва сифатини ошириш масалалари Майкл Джеймс Фелл, Свен Вернер, Хидеки Ямагучи, Хассан Назир, Мария Батул, Франциско Дж. Боливар Осорио, Марлори Исазо-Руиз, Ксин хай Ху, К.Винарубан, Патрик Фелан, Инамуддин, Аруначала М.Каннан<sup>4</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилган.

Иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштириш муаммолари МДХ давлатлари иқтисодчи олимлари А.Шкаровский, А.А.Ионин, Б.М.Хлыбов, В.Н.Братенков, Е.Н.Терлецкая, Г.Ф.Быстрицкий, Г.Г.Гасангаджиев, В.С.Кожеченков, Е.А.Иванова, Д.А.Фрей, П.Костюченко, А.Зубкова, И.Евсеев, И.Царьков, В.Бархатов, Ю.В.Слиняко<sup>5</sup> ва бошқа олимларнинг илмий изланишларидан кенг жой олган.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Д.Р.Зайналов, И.С.Тухлиев, Б.Б.Беркинов, М.А.Икромов, М.А.Махкамова, Б.Т.Салимов, Ш.Э.Мустафакулов, Н.А.Хошимова<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Аммо, юқоридаги олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимизнинг иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасини инновацион такомиллаштириш муаммолари алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу сабабли рақамли иқтисодиёт шароитида соҳада энергия

---

<sup>4</sup>Michael James Fell. Energy services: A conceptual review. Research Article. Energy Research & Social Science. Volume 27, May 2017, Pages 129-140.; Sven Werner. International review of district heating and cooling. Research Article. Energy. Volume 137, 15 October 2017, Pages 617-631.; Hideki Yamaguchi. A New Heat Supply System of Cogeneration for the Local Community. Article in Journal of Power and Energy Systems 2(3): 1085-1095 January 2008.; Hassan Nazir, Mariah Batool, Francisco J. Bolivar Osorio, Marllory Isaza-Ruiz, Xinhai Xu, K.Vignarooban, Patrick Phelan, Inamuddin, Arunachala M.Kannan. Recent developments in phase change materials for energy storage applications: A review. Research paper. International Journal of Heat and Mass Transfer. Volume 129, February 2019, Pages 491-523.

<sup>5</sup>Шкаровский А.Теплоснабжение. Учебник для вузов. - Санкт-Петербург, Москва, Краснодар: Лань, 2018. - 392с.; Ионин А.А. и др. Теплоснабжение. Учебник для вузов. - М.: МЭИ, 2001. - 422с.; Ионин А.А., Хлыбов Б.М., Братенков В.Н., Терлецкая Е.Н. Теплоснабжение. Учебник. Репринтное издание. - М.: Транспортная компания, 2016. - 336 с.; Быстрицкий Г.Ф., Гасангаджиев Г.Г., Кожеченков В.С. Общая энергетика. Основное оборудование. Учебник. - М.: Юрайт 2018. - 410 с.; Иванова Е.А. Автономные системы теплоснабжения. Пособие. - Томск.: Томский государственный архитектурно-строительный университет, 2017. - 93 с.; Фрей Д.А., Костюченко П., Зубкова А., Евсеев И., Царьков И., Бархатов В. Оценка экономической эффективности энергосбережения. Теория и практика. - Издательство: Теплоэнергетик, 2015. - 400 с.; Слиняков Ю.В. Менеджмент в жилищно-коммунальном хозяйстве. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, Инфра-М, 2010. - 352с.

<sup>6</sup>Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // «Сервис». – Самарқанд. – 2009. - №1.; Муҳаммедов М.М. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни (назарий жиҳат) // «Сервис». – Самарқанд. – 2012. - № 1.; Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория // «Сервис». – Самарқанд. – 2009. - №1.; Тухлиев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот-технологияларидан фойдаланиш йўналишлари // «Сервис». – Самарқанд. – 2011. - № 1.; Беркинов Б.Б. «Институционал иқтисодиёт». – Ўқув қўлланма. – ТДИУ босмахонаси. – 2013. – 226 б.; Икромов М.А., Махкамова М.А., Саматов Қ.Н. «Менеджмент». – Учебник. – ТГТУ. – Ташкент. – 2014.; Махкамова М.А., Ибрагимова С.А., Хашимова С.Н. «Экономика и менеджмент». – Учебник. – ТГТУ. – Ташкент. – 2014.; Салимов Б.Т. ва бошқ. «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш». - Монография. – Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. - Тошкент. – 2020. – 140 б.; Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. – Банк-молия академияси. – Ўзбекистондаги БМТ ТД ваколатхонаси. – Тошкент. – 2017. – 304 б.; Хошимова Н.А. Инвестиционные аттракторы и их влияние на инвестиции // «Иқтисод ва молия». – Тошкент. – 2015. - №5. – С.55-68.



тежамкор технологияларни жорий этиш, иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш асосида самарали ташкил этиш ва монополиядан чиқариш, аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган тўлов тартибини такомиллаштиришга, тизимни модернизациялашга жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишга қаратилган муаммоларни ечиш зарурати диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон шаҳарларида иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий асосларини тадқиқ қилиш ва иссиқлик бозорини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

бозор муҳитида иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини оптималлаштиришнинг назарий ёндашувларини асослаб бериш;

хизматлар соҳасининг аҳолини турмуш сифатиغا таъсирини назарий жиҳатдан асослаш;

хизмат кўрсатишнинг мавжуд назарий қарашларини тадқиқ қилиш асосида «хизматлар» тушунчасини иссиқлик таъминоти хизматларининг ўзига хос тавсифга эгаллиги нуқтаи назардан такомиллаштириш;

иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини ислоҳ қилиш асосида иссиқлик таъминоти хизматларининг миллий бозорини шакллантириш, ривожлантириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иссиқлик таъминоти хизматларини ислоҳ қилиш амалиётида чет эл тажрибасини тадқиқ қилиш ва мослашув йўллари асослаб бериш;

марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ёпиқ тизимга ўтказишни илмий жиҳатдан асослаб бериш;

марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ягона харидор (ЯХ) моделига ўтказишни илмий асослаш;

иссиқлик ишлаб чиқиш ва истеъмолчини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар циклидан келиб чиқиб, иссиқлик истеъмоли хажмини реал қайд этадиган, аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган тўлов тартибини такомиллаштириш;

иссиқлик таъминоти хизматларига жалб этиладиган инвестициялардан самарали ва оптимал фойдаланишнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иссиқлик таъминоти хизматларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик ва инновацион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш усуллари, эксперт баҳолаш усули, синергетика ва аддитивлик тамойилларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасида бозор муносабатларини энергия тежамкорлиги, рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш, когенерация орқали самарадорликка эришиш, рақамли бошқарувни жорий этган ҳолда хизматлар сифатини оширишнинг қўшимча имкониятлари асосланган;

марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини иссиқлик энергиясини узлуксиз таъминлайдиган, жиҳозларнинг эксплуатация даврини узайтирадиган, аҳолининг иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган қўшимча харажатларини камайтирадиган, энергия самардорлиги юқори бўлган ёпиқ тизимга ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган;

иссиқлик таъминоти хизматлари тизимида бозор муносабатларини ривожлантириш, турли ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга йўналтирилган марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг “ягона хоридор” моделидан фойдаланиш тартиби асосланган;

иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўлов тартиби иссиқлик таъминоти хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни аниқлаш имконини берадиган ҳамда аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган терморегуляторли иссиқлик сарфи ўлчагичларини хонадонларга ўрнатиш асосида такомиллаштирилган;

иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатувчи объектларни модернизация қилишнинг давомийлик меъёрларига ва маромийлигини таъминлашга асосланган инвестициялардан оптимал ва самарали фойдаланишнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топади:

иссиқлик таъминоти хизматлари тушунчасининг унга хос бўлган хусусиятларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган таърифи ишлаб чиқилган;

иссиқлик таъминоти хизматлари тизимидаги молиявий барқарорликни таъминлашга асосланган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўлов тартиби такомиллаштирилган;

иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини инновацион модернизациялашнинг ташкилий-иқтисодий ва эконометрик инструментлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, социологик сўровномаларнинг махсус талаблар асосида ўтказилгани ҳамда

хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги, иссиқлик таъминоти хизматлар тизимини такомиллаштиришнинг бозор муносабатларига асосланган назарий-услубий ва амалий асослари ишлаб чиқилганлиги, иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини самарасиз соҳадан, самарали соҳага айлантириш мақсадида тизим бошқарув механизминини такомиллаштириш, соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнларида қўлланилиши билан боғлиқ илмий хулосалардан таълим йўналишларидаги тадқиқотларда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан иссиқлик таъминоти тизимини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтариш ва соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда кенг қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иссиқлик таъминоти хизматларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасида бозор муносабатларини энергия тежамкорлиги, рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш, когенерация орқали самарадорликка эришиш, рақамли бошқарувни жорий этган ҳолда хизматлар сифатини оширишнинг қўшимча имкониятлари бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг соҳада рақобатбардошлиқни таъминлаш, хизматлар сифатини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 18 январдаги 3-2/20-29-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши иссиқлик таъминоти хизматлари миллий бозори рақобатбардошлигини таъминлашга ва соҳада хизматлар сифатини оширишга хизмат қилган;

марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини иссиқлик энергиясини узлуксиз таъминлайдиган, жиҳозларнинг эксплуатацияси даврини узайтирадиган, аҳолининг иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган қўшимча харажатларни камайтирадиган, энергия самардорлиги юқори бўлган ёпик тизимга ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг «Саноат маҳсулотлари бозорларини ривожлантириш ва мувозанатлаштириш стратегияси» департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2018-2022 йилларда

иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2912-сон қарорида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш, сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 18 январдаги 3-2/20-29-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ёпиқ тизимни такомиллаштиришга ва соҳада энергия тежамкорлигига эришишга хизмат қилган;

иссиқлик таъминоти хизматлари тизимида бозор муносабатларини ривожлантириш, турли ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга йўналтирилган марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг ягона хоридор (ЯХ) моделини амалиётда қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг “Саноат маҳсулотлари бозорларини ривожлантириш ва мувозанатлаштириш стратегияси” департаменти томонидан тармоқдаги муносабатларни таҳлил қилишда қўлланилган ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси якуний вариантининг “Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” бобида соҳадаги рақобат муҳитини янада соғломлаштириш вазифалари ижросини таъминлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 18 январдаги 3-2/20-29-сон маълумотномаси). Натижада иссиқлик таъминоти хизматлари тизимида рақобат муҳити шакллантирилиб, бозор муносабатлари ривожлантирилган;

иссиқлик таъминоти хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни аниқлаш имконини берадиган ҳамда аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган терморегуляторли иссиқлик сарфи ўлчагичларини хонадонларга ўрнатиш асосида иссиқлик таъминоти хизматлари учун такомиллаштирилган тўлов тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси якуний вариантининг «Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» бобида соҳадаги устувор вазифалар ижросини таъминлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 18 январдаги 3-2/20-29-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида энергия тежамкорлигига ва аҳоли томонидан тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига эришилган;

иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатувчи объектларни модернизация қилишнинг давомийлик меъёрларига ва маромийлигини таъминлашга асосланган соҳага жалб этиладиган инвестициялардан оптимал ва самарали фойдаланишнинг эконометрик модели Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан соҳага жалб этилаётган инвестицияларнинг оптимал дастурини ишлаб чиқишда қўлланилган ва инвестицияларнинг иқтисодий самардорлигини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 18

январдаги 3-2/20-29-сон маълумотномаси). Эконометрик моделнинг амалиётга жорий этилиши натижасида иссиқлик таъминоти хизматларига жалб этиладиган инвестициялардан самарали ва оптимал фойдаланишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 6 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 2 та монография, жами 26 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан, 11 таси республика ва 3 таси етакчи хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 226 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хизматлар бозорида иссиқлик таъминоти хизматларини ривожлантиришга назарий ва методологик ёндошувлар»** деб номланган биринчи бобида хизматлар бозорини тадқиқ қилишдаги назарий ёндошувлар ўрганилган.

Асосий иқтисодий адабиётларда келтирилган назарияларда хизматлар тўғрисида назарий қарашларнинг ривожланишини тадқиқ қилиш, хизмат тушунчасининг мазмунига оид мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштиришга ҳамда хизматлар назарияси ҳозирги вақтгача алоҳида илмий билимлар соҳаси сифатида шаклланмаганлигини тасдиқлашга имкон беради. Хизмат бу истеъмолчи учун янги маҳсулот ёки мавжуд маҳсулотнинг сифатини ўзгартириш шаклида фойдали самарага эга бўлган, унумдор меҳнат жараёнида шаклландиган бозор маҳсулотининг махсус туридир. Бундай таъриф хизматнинг жамиятда яратиладиган бошқа турдаги маҳсулотлардан фарқланувчи мазмунли тавсифларини аниқлашга имкон беради. Хизматларнинг бундай фарқланувчи тавсифлари қуйидаги 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Хизматнинг махсус жараён сифатидаги асосий тавсифи<sup>7</sup>**

Илғор хорижий мамлакатлар ва минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини ўрганиш асосида миллий иқтисодиётда хизматлар улушининг ортиб бориши иқтисодий ва ижтимоий ўсишни рағбатлантириши, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг янгича архитектурасига таъсир кўрсатиш муаммоси назарий, методологик ва эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, унинг айрим ўзига хос жиҳатлари аниқланди.

Биринчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига хизматларнинг кириб бориши ва иқтисодиётдаги улушининг кенгайиши ҳар доим ҳам ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланишини рағбатлантирмайди. Иккинчидан, хизматлар миллий иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш учун улар минтақани ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралиши лозим. Учинчидан, миллий иқтисодиётда ривожланиш ва ўсиш тенденцияларининг намоён бўлиши учун хизматлар тизимида инқилобий ўзгаришлар кузатилиши лозим бўлади, яъни хизматлар ишлаб чиқариш-хўжалик жараёнларига хизмат қилиш эмас, балки ишлаб чиқариш-хўжалик жараёнлари ҳам хизматлар соҳасига хизмат қилиши керак бўлади.

Хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш фаровонлиги даражасига таъсири ўрганилди ва аҳоли турмуш фаровонлиги сифатига таъсирини танқидий

<sup>7</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таҳлил қилиниб, «Турмуш сифати» категориясининг таркибий қисмлари мазмунан ёритиб берилди ва унда иссиқлик таъминоти хизматларининг ўрни кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг **«Иссиқлик таъминоти хизматлари миллий тизимини шакллантиришнинг хорижий тажрибаси ва унинг Ўзбекистон шароитида қўлланилиши»** деб номланган иккинчи бобида иссиқлик таъминоти миллий тизимларини шакллантиришнинг хорижий ҳамда МДХ мамлакатлари тажрибаси ўрганилган. Жумладан: Дания, Германия, Хитой, Япония, Литва, Латвия, Молдавия, Болгария, Польша, Қозоғистонда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимида амалга оширилган ишлар тажрибаси ўрганилди. Бу мамлакатларда иссиқлик таъминоти бўйича қабул қилинган дастур ва режаларнинг асосий мақсади энергия тежамкорлигига, энергия таъминотининг юқори ва ишончли кўрсаткичларига эришиш ҳисобланади. Бунда муқобил энергия манбалари (куёш, шамол, биоёқилғи ва бошқалар) имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилган. Энергия таъминоти иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган муҳим чора-тадбирлар асосида бу мамлакатларда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган иссиқлик таъминотининг ноёб тизимлари яратилди. Натижада Данияда иссиқлик йўқотилиши 65,0 %га қисқарди, Германия энергияни тежашнинг замонавий технологиялари ва муқобил энергия манбаларидан энг фаол фойдаланаётган давлатга айланди, Хитойда каттик ёқилғини газ ва атом энергиясига алмаштириш, манбаларни қайта тиклаш базасида энергетикани ривожлантириш концепцияси қабул қилинди, Япония ҳукумати «Энергияни тежаш тўғрисида» ги Қонунни қайта кўриб чиқди ва энергия аудитини ўтказишни ҳамда аҳолини ўқитиш ва жамоатчилик фаоллигини ошириш учун «Энергияни тежаш куни», «Энергияни тежаш ойлиги» ва «Энергияни тежашнинг умумий текшируви» ўрнатилди, Литвада иссиқлик тармоқларидаги йўқотишлар 20,0 %дан 16,0 %га туширишга эришилган, Латвияда иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ҳисоблагичларнинг ҳар бир хонадонга ўрнатилиши бу иссиқ сув таъминоти тизимида тунги вақтда иссиқ сув сарфи параметри бўйича оқиб кетишини тезкор аниқлаш имконини берди, ҳамда аҳолида энергия тежамкорлигига рағбат уйғотди. Унинг натижасида аҳолининг иссиқлик таъминоти бўйича тўловлари 65 % дан 98% га кўтарилди, Молдавияда «Иссиқлик энергияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, барча дотациялар бекор қилинган. Бу соҳадаги тартиблар ўзгариши натижасида тўловлар даражасини анча кўтаришга эришилди. Улгуржи ва майда харидорлар учун газ нархларининг ўзаро нисбатини тубдан ўзгартиришга эришилганлиги натижасида газнинг йирик истеъмолчилари учун нархлар пастроқ ва бу иссиқлик энергияси таърифларини 25,0 %га пасайтириш имконини берди, бюджет ташкилотлари 100,0 %, аҳоли (ўртача) 92,0 % каммунал қарзини тўлашмоқда. Болгарияда барча субсидиялар ва дотациялар аста-секин йилига 10,0 %га қисқартириб бориш орқали тўхтатилган. Ҳамма

ерда ҳисобга олишнинг жорий этилиши натижасида турар-жой биноларида иссиқлик истеъмоли ўртача 25,0 %га камайган, Польшада 1990 – йиллардаги марказлаштирилган иссиқлик таъминоти (МИТ) тизимларини модернизация қилиш истеъмолчиларни сифатли ва арзон иссиқлик билан нафақат таъминлаш имконини беради, балки тизимни янада такомиллаштиришга туртки ҳам берди<sup>8</sup>. Умумий самара ҳақида Варшавада эришилган қуйидаги натижалар бўйича хулоса чиқариш мумкин: модернизация дастури қозонхона сонининг 300 дан 95 тага камайишига олиб келди, бу ёқилғини иқтисод қилишга ва атроф-муҳитни ифлослантирилишининг пасайишига олиб келди, тўлдириб турадиган сувларга бўлган талаб 2000 т/соатдан 410 т/соат гача тушди, тармоқдаги бузишлар сони йилига 4 мингдан 745 тагача камайди. Ёзги даврда бузилишларни бартараф этишга кетган вақт 3-4 ҳафтадан 0,9 кунгача қисқартирди, иссиқлик пунктларини модернизация қилиш иссиқлик истеъмолининг 5-15 % пасайишига олиб келди ва мос равишда, ёқилғи ва насос хўжалиги ҳаражатларининг камайишига эришилди, Қозоғистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Глобал Экологик Фонди ривожлантириш дастури ёрдамида амалга оширилган лойиҳага биноан иссиқлик таъминотининг истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга, тарифларни камайтиришга, иссиқликни ишлаб чиқариш жараёнида «янада тоза» технологияларни жорий этиш ҳисобига жойларда атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга, янги иш жойлари яратиш, энергия сақлашни яхшилашга эришилди.

Афсуски, мамлакатимиз иссиқлик таъминоти тизимларининг кўпчилигида ҳозирги пайтда ёқилғи ва энергия ресурслари танқислигида хорижий мамлакатларда энергетик инқироз даврида бўлган ўзгаришларга қарама-қарши жараёнлар кузатилмоқда: иссиқлик электр марказлари (ИЭМ)ларида қурилмалардан фойдаланишнинг тежамкорлиги пасаймоқда, иссиқлик тармоқларида иссиқлик ва электр энергиясини йўқотишлар ўсмоқда, абонентлик тизимларининг техник ҳолати деградация бўлмоқда ва натижада иссиқлик таъминоти сифати кескин пасаймоқда.

Иссиқлик таъминоти тизимидаги иш тажрибамиз кўрсатадики, пухта ишланган, стратегик техник сиёсат юритиш асосида иссиқлик таъминоти самарадорлигини сезиларли кўтариш мумкин. Бунинг учун мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқлик таъминотидаги ҳозирги салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш лойиҳасини тузиш ва уни амалга ошириш учун инвесторларни жалб этиш зарур. Бунда халқаро ривожланиш банклари муҳим рол ўйнаши мумкин. Шу билан биргаликда атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан фойдали бўлган лойиҳалар учун грантлар олиш имконияти мавжуд.

---

<sup>8</sup>Польша учун иссиқлик: Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини модернизациялаш// Қурилиш ва шаҳар хўжалиги. Махсус нашр. Энергияни сақлаш №7. [http://www. Stroygorhoz.ru](http://www.Stroygorhoz.ru)



Охирги 25 йилда кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг марказлаштирилган иссиқлик таъминоти бошқарувида хусусий секторнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий иш самараларидан фойдаланган ҳолда иссиқликни улгуржи сотиб олиб уни истеъмолчиларга етказиб берувчи ягона харидор моделидан фойдаланиш зарур. Бунда қўйидаги ташкилий-ҳуқуқий жараёнларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: хизматлар кўрсатиш, бошқарув, ижара шартномалари, концессия битимлари ва бошқа турдаги шартномалар асосида иш юритиш.

Ягона харидор ариза берган компаниянинг молиявий ва техник қодирлиги ва бундай тизимларни бошқариш тажрибалари каби омилларни ўз ичига олган, олдиндан белгиланган ва эълон қилинган мезонлардан келиб чиқиб, оммавий тендерларда танланиши керак. Активларни сотиш ёки концессия қилиш ҳақидаги келишувлар мавжуд активларни молиялаш, тариф сиёсати, хизмат сифати, атроф-муҳит муҳофазаси, активлар сақланишининг кафолатларини белгилаб берувчи қоидаларни ўз ичига олиши керак.

Бироқ, иссиқлик таъминотининг энергетик самарадорлиги муаммоси ҳозирги пайтда нафақат илмий-техник, балки иқтисодий ва унданда кўпроқ даражада сиёсий масала ҳисобланиб, «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертациянинг **«Бозор тамойиллари асосида иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини модернизациялаш ва такомиллаштириш йўллари»** деб номланган учинчи бобида иссиқлик таъминоти хизматлари тизимининг бугунги кундаги ҳолати ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва уни тизимли тарзда амалга ошириш белгилаб олинган (2-расм).

Бунда тадқиқотнинг асосий йўналишлари учта катта гуруҳга ажратилган бўлиб, биринчиси иссиқлик таъминоти хизматлари тизимининг мазмун моҳиятини назарий жиҳатдан такомиллаштириш, иккинчиси иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва истеъмолчиларга етказиб беришни такомиллаштириш ва учинчиси молиявий таъминот ва инвестициялар самардорлигини таъминлашдан иборат. Шунга асосан иссиқлик таъминоти тизимининг марказлашган ва марказлашмаган тизими тўғрисидаги тушунчалар, уларнинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилиниб, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини назарий ва методологик томондан такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган ва ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Биринчи навбатда иссиқлик таъминоти хизматлари тўғрисидаги тушунчалар назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, у тўғрисидаги тушунчалар асосида иссиқлик хизматлари таърифи такомиллаштирилди.



**2-расм. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари<sup>9</sup>**

Маълумки, иссиқлик таъминоти хизматлари коммунал хизматларнинг ажралмас таркибий қисмидир. Унинг тавсифи кўп жиҳатдан коммунал хизматлари тавсифларига мос келади. Шунга кўра иссиқлик таъминоти хизматлари тушунчасини таърифлашда коммунал хизматлари тавсифларидан фойдаланиш мумкин.

Коммунал хизматлар истеъмоли муҳим тавсифга эга. “Инсоният турмушини замонавий ташкил этишда табиат иссиқликлари ва тасодифларидан ҳоли бўлган ўз ҳаёт турмуши масаласини керакли тарзда ҳал эта олди; коммунал хизматларга талаб умумий тавсифга эга. Одамларнинг қисқа ёки узоқ вақт бўлишларига боғлиқ ҳолда инсон ҳаёт фаолиятининг барча объектлари уларга муҳтождир; коммунал хизматни истеъмол қилиш кечиктириб бўлмайдиган тавсифга эга, яъни хизматга эҳтиёж пайдо бўлган заҳотиёқ уни кўрсатиш мумкин; коммунал хизматга бўлган эҳтиёж мажбурийлик тавсифига эга, яъни хизматга бўлган эҳтиёж сутканинг қайси пайтидан қатъий назар доимо пайдо бўлади; коммунал хизматларни алмаштириб бўлмайди, яъни хизматнинг ҳар бир тури инсоннинг аниқ эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган; хизмат истеъмоли индивидуал тавсифга эга, ҳар бири инсоннинг сифатлари, одатлари, касби ва турмуш тарзига боғлиқ ҳолда уй хўжалиги ёки инсоннинг шахсий эҳтиёжларини қониқтириш учун мўлжалланган; коммунал хизматни истеъмол қилишнинг

<sup>9</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

индивидуал мотиви эҳтимоллик тавсифини беради. Иситиш, бир қарашда, бундай рўйхатдан истиснодек туюлади, лекин бу фақат хонадаги ҳароратни назорат қилиш муаммоси билан боғлиқ технологик чегаралашдир; коммунал хизматлар истеъмоли сифатларини инсонларнинг ҳаёт тарзи, сутка ва ҳафтанинг аниқ вақтлари ритмига буйсунганлиги ва шунга муносиб тарзда сутканинг аниқ соатлари ва ҳафтанинг аниқ кунларига мўлжалланган ҳолда мунтазамлик ва даврийликни намоён этади”<sup>10</sup>.

Мазкур хусусиятлар иссиқлик таъминоти тушунчасининг таърифида ўз аксини топиши лозим. Зеро мазкур тушунчанинг таърифи иқтисодий адабиётларда ҳамон берилмаган. Тадқиқотлар натижасида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: иссиқлик таъминоти хизматлари деганда, инсонлар турмушини табиатдаги ўзгаришлар ва тасодифларидан ҳоли ҳолда, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида унга эҳтиёж пайдо бўладиган, муҳтожлик сезилган заҳотиёқ уни кўрсатиш лозим бўлган, алмаштириб бўлмайдиган, мунтазамлилик, даврийлик, мажбурийлик, узлуксизлик ва тўхтовсизлик ҳолатларини ўзида мужассам этган замонавий хизматлар тушунилади.

Мамлакатимиз иссиқлик таъминоти хизматлари тизимида бозор муносабатларининг жуда сустр даражада эканлиги, иссиқлик энергиясига товар сифатида қаралмаслиги, рақобатнинг йўқлиги, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш даражаси жуда пастлиги сақланиб қолмоқда. Бу йўналишда илмий тадқиқотларни жадаллаштириш ва мамлакатимизда иссиқлик миллий бозорини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб масалалар ҳисобланади. Шу мақсадда иссиқлик таъминоти хизматлари миллий бозорини шакллантиришнинг асосий йўналишлари аниқланди.

Маълумки республикамизнинг йирик шаҳарларида истеъмолчиларга иссиқлик таъминоти марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизими орқали амалга оширилади. Узатиш тармоғининг узунлиги ҳамда истеъмолчиларнинг қанчалик кўп жалб этилганлиги унинг марказлаштирилганлик даражасини белгилайди.

Марказлаштирилган иссиқлик энергияси таъминотида истеъмолчи объектларига жамоат, маъмурий ва турар-жой бинолари киради. Улардан жуда кўпчилиги кўп қаватли турар-жой бинолари бўлиб, бунда хонадон эгалари якуний истеъмолчилар ҳисобланади.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими бошқа ишлаб чиқариш соҳаларидан фарқ қилиб, иссиқликни ишлаб чиқиш ва уни етказиб бериш тизими ўзига хос хусусиятга, яъни тармоқланган сув қувур орқали амалга оширилади. Уни таъмирлаш, баъзи ҳолларда эскирган қувурларни алмаштириш, шаҳарнинг янги массивлари бўйича тармоқни кенгайтириш мумкин, лекин унга рақобат қиладиган яна бир марказлаштирилган муқобил (дубликат) тармоқни вужудга келтириш жуда катта капитал харажатларни

---

<sup>10</sup>Финансирование энергосберегающих проектов в (1/5) <http://docme.ru>

талаб этади ва у ўзини оқламайди. Бу ҳолат иссиқликни етказиб бериш тизимига бошқа алтернатив тизим йўқлигини ва унинг табиий монополияга айланиб қолганлигини билдиради. Бу эса ўз набатида тизим фаолиятини ташкил этишда сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Иссиқлик таъминоти хизматлари тизимида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири бу ишлаб чиқаришни рақобат асосида ташкил этишдан иборат. Юқорида таъкидланганидек табиий монополия шароитида масаланинг ечимига махсус иқтисодий ва молиявий институтларни яратиш орқалигина эришиш мумкин.

Тизимдаги яна бир салбий ҳолат, бу тизим бошқарувининг маъмурий бошқарув тамойилларига асосланганлигидир. Бу ҳолат бошқарувда мотивацияни пасайтиради ва иссиқлик ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг қопланмаслигига, иссиқлик таъминоти хизматлари сифатининг пасайишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар, кузатувлар ва таҳлиллар натижасида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимининг салбий ҳолатларини бартараф этиш йўллари, яъни: соҳада бозор ва рақобат муҳитини шакллантириш зарурияти; қулай инвестиция муҳитини яратиш; тежамкорлик тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар институтини ва шунга мос қонунчилиқни такомиллаштириш; иссиқлик таъминоти тизимларини инвестор-фирмаларга ижарага ёки хусусий фирмаларга концессияга бериш; барқарор тарифларда пул маблағларини тезда қайтарадиган жозибали инвестициялар билан фарқланадиган устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш; инвестициянинг янги манбаларини излаб топиш; соҳада юқори ҳароратли иш тартибидан паст ҳароратли иссиқлик таъминотини сифатли бошқаришга ўтиш; иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишда ҳамроҳ маҳсулот – электр энергиясини биргаликда ишлаб чиқишни (когенерацияни) ривожлантириш; хорижий давлатларнинг энергетик инқироздан чиқиш тажрибасининг ижобий жиҳатларидан тўлиқ фойдаланиш; иссиқлик таъминоти тизимининг барча қисмларини техник модернизация қилиш ва абонентлик ускуналарини 100 % рақамли бошқарувга ўтказиш; иссиқлик тармоғи магистрал қувур ўтказгичларнинг коррозияли бузилишлар сонини камайтириш чораларини кўриш; иссиқлик тармоғидаги сувни соддалаштирилган технология бўйича тайёрлаш орқали капитал харажатларни камайтириш; қонуний жиҳатдан турли мулкдорларга қарашли иссиқлик манбаларининг тармоққа дискриминацион бўлмаган уланиш имкониятларини яратиш; иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) субсидияларини аниқ вақт ўлчамида аста-секин қисқартириб бориш орқали кўрсатиб берилган.

Тадқиқотлар натижасида олинган ушбу хулосалар Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти хизматлари миллий бозорини энергия тежамкорлигига эришиш ва когенерацияга асосланиб соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда ушбу хизматлар сифатини оширишнинг рақамли бошқарувини жорий этиш асосида такомиллаштириш имконини яратади.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимининг ташкилий нуқтаи назардан ижобий ва салбий ҳолатлари мавжуд. Жумладан, марказлашган иссиқлик таъминотининг асосий афзаллиги ёқилғидан кўпроқ самарали фойдаланиш имконияти бўлиб, синергетик самарага эришишдир. Бунга иссиқлик ва электр энергияларини кўшиб (ҳамроҳ маҳсулот) ишлаб чиқариш ҳисобига эришиш мумкин бўлади. Марказлаштирилган тизимда шартли ёнилғи тежалишига кучли қувватга эга бўлган қозонлар ва газли ёки буғли иссиқлик турбинали ускуналарнинг юқори фойдали иш коэффициенти ҳисобига эришилади. Марказлашган тизимнинг яна бир афзаллиги паст навли мазутни ёки кўмир ёқилғисини ҳамда маиший чиқиндиларни самарали ва экологик хавфсиз ёқиш ҳисобланади. Бундай турдаги ёқилғиларни ажратиш, узатиш ва ёқиш ҳамда зарарли чиқиндиларни ушлаб қолиш учун газ тутунларини тозалаш тизимларининг қимматлиги ва жуда мураккаблиги боис уларни фақат катта марказлашган иссиқлик манбаларида куриш техник ва экологик жиҳатдан ўзини оқлайди. Марказлашган манбалар энг кам даражада шаҳар атмосферасини ифлослантиради, чунки иссиқлик ишлаб чиқриш манбаалари сезиларли масофада, қоида бўйича, шаҳар чегарасидан ташқарида жойлашган бўлади. Катта шаҳарларда марказлашган манбалар ҳисобига маъмурий ресурслардан фойдаланиш имкониятини беришда экологик жиҳат сезиларли рол ўйнайди. Марказлашган манбаларнинг энергетик самараси асосан замонавий ускуналардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари бозорида муносабатларнинг ривожланиши иссиқлик ишлаб чиқиш манбалардан фойдаланишда анъанавий ва муқобиллик асосида унинг турли ишлаб чиқарувчилари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш имконини яратади. Мамлакатимизда охириги йилларда бу соҳада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, бошқарувнинг бозор тамойиллари жорий этилмоқда. Шу билан биргаликда аҳолини узлуксиз ва сифатли иссиқлик энергияси билан таъминлашдаги муаммо ва камчиликлар, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги, уни узатиш ва истеъмол қилишдаги меъёрдан ортиқ йўқотишлар мамлакатимизда мавжуд иссиқлик таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг концептуал ёндошувини тақозо этади.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий жиҳозларнинг кўпи жисмонан ва маънан эскирган. Қозон ускуналарининг эскириш 65-70 % ни ташкил этади. Баъзи худудларда қозонхоналар 1938-1960 йилларда ўрнатилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги 60 % ни ташкил этади.

Марказлаштирилган тарзда иситиш ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида республикаимизда ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси 14,7 млн.Гкал.ни ташкил этиб, шундан 9030,4 минг Гкал. аҳолига (66,0 %), 2685,5 улгуржи истеъмолчиларга (34,0 %) реализация қилинган. Тошкент шаҳри бўйича аҳолига 8542 минг Гкал, улгуржи истеъмолчиларга эса 1253 минг Гкал реализация қилинган. Республикаимиз бўйича умумий ишлаб чиқарилган

иссиқлик энергиясининг 78,0 % (10955 минг Гкал) Тошкент шахрида ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан иссиқлик таъминоти тармоғига чиқарилган 10955 минг Гкал дан 9795 минг Гкал реализация қилинган.

Республикаимиз бўйича иссиқлик тармоқларининг умумий узунлиги 4992 км канални ташкил этади, шундан 3744 км (75,0 %) ёроқсиз ҳолатда ва мукамал таъмирлашга муҳтож. Тошкент шахридаги иссиқлик тармоқларининг умумий узунлиги 2707,5 км канални ташкил этади, шундан 1885,7 км (69,6 %) қониқарсиз ҳолатда ва мукамал таъмирлашга муҳтож.

Иссиқлик таъминотининг мавжуд очиқ тизимининг жиҳоз ва ускуналари эскириши натижасида марказлаштирилган иссиқлик таъминотини сув билан қайта тўлдиришнинг ҳақиқий миқдори белгиланганидан 1,54 баробар, шу билан бирга Тошкент шахрида 1,35 баробар кўп. Бу маълумотлардан келиб чиқадики, иссиқлик таъминоти тизимининг мавжуд очиқ тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти мавсумида иссиқлик энергиясини узлуксиз таъминланаш имкониятини берадиган, иссиқлик ташувчи қувурларнинг эксплуатацияси даврини узайтирадиган, аҳолининг иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган харажатларни камайтирадиган, энергия самардорлиги катта бўлган иссиқлик таъминотини ёпиқ тизимга ўтказишни тақозо этади.

Тажрибалардан маълум бўладики бу тадбирни амалга ошириш натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилади:

1. Иссиқлик таъминоти хизматлари сифати юқори даражада бўлади ва иссиқ сув таъминоти йил бўйи (365 кун) узлуксиз таъминланади.


2. Иссиқлик ташувчи қувурларнинг эксплуатацияси даврининг узайиши натижасида уларнинг ишончилигини ошириш мақсадида кўрсатиладиган хизматларга маълум муддатларда зарурат бўлмайди.

3. Иссиқлик энергиясини истеъмол қилишнинг уй (кўп қаватли турар жой биноси) даражасида тартибга солиниши натижасида аҳоли томонидан иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган харажатлар камаяди.

4. Иссиқлик таъминоти учун альтернатив манбалардан фойдаланишдаги харажатларга зарурат қолмаганлиги сабабли аҳоли турмушини яхшилаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади.


5. Янги энергия самардорлиги катта бўлган асбоб-ускуналардан ҳамда ҳисобга олиш ва автоматлаштирилган назорат тизимидан фойдаланиш натижасида иссиқлик таъминоти хизматларини амалга оширувчи корхоналарнинг харажатлари камаяди.

Иссиқлик таъминоти хизматларининг ёпиқ тизимга ўтказиш бир қатор элементларни ўз ичига олади. Марказлашган иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини ёпиқ тизимга ўтказишнинг бу элементлари тизимнинг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлайди. Бу элементлар қуйидаги 3-расмда келтирилган:



**3-расм. Иссиқлик таъминоти хизматларини ёпиқ тизимга ўтказиш элементлари<sup>11</sup>**

Шу билан бирга иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш эксплуатация харажатларини камайтиришга олиб келади (4-расм):



**4-расм. Иссиқлик таъминоти ёпиқ тизими самарадорлиги кўрсаткичлари<sup>12</sup>**

Ёпиқ тизимда марказлаштирилган иссиқлик тармоғига турли мулкдорларга қарашли иссиқлик манбаларининг тармоққа дискриминацион бўлмаган уланиш имкониятларининг қонуний жиҳатдан яратилиши натижасида иссиқлик манбаларининг рақобатини, яъни: жамланган қувватнинг умумлаштирилган талабга нисбатан ортиқчалиги – таклиф

<sup>11</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>12</sup> “Ақлли шаҳар” лойиҳаси асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

рақобатини, янада тежамли янги манбаларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш – таҳлика рақобатини ёки истеъмолчиларнинг тизимдан кетиш эҳтимоли – талаб рақобатини вужудга келтиради.

Бундай шароитда барқарор тарифларда пул маблағларини тезда қайтарадиган жозибали инвестициялар билан фарқланадиган устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур. Бунда жалб этиладиган маблағларнинг 1-2 йилда қопланишини ҳисобга олиш зарур.

Иссиқлик таъминоти хизматининг ёпиқ тизимга ўтиши ва унинг фаолиятини ташкил этишдаги яна бир ёндашув, бу – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни оптимал ташкил этиш масаласи ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти учун тўловларни амалга ошириш, уларни ҳисобга олишдаги муносабатларни ўрнатиш зарурати, иссиқлик ишлаб чиқарувчилар фаолиятини жуда кенгайтириб, иссиқлик таъминоти хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ҳар бир мижоз билан ишлаши учун махсус бўлимлар ташкил этиш заруратини келтириб чиқарадики, бу қўшимча харажатларга олиб келади. Тўғри, иссиқлик таъминоти хизматини кўрсатувчи корхона тўғридан тўғри тўловларни қабул қилиши фойдалироқ кўринади, лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, иссиқлик таъминоти учун мижозлар томонидан ўз вақтида тўловларнинг амалга оширмасликлари, уларни назорат қилишнинг мушкуллиги, бу фаолиятни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Шу асосда иссиқлик таъминоти хизматлари бозорида муносабатларни ривожлантириш учун иссиқлик ишлаб чиқиш манбаларидан фойдаланишда турли ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг ягона харидор (ЯХ) моделидан фойдаланиш таклиф этилди. Ягона харидор истеъмолчиларга сотиш учун иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш манбаларини рақобат асосида танлашни амалга оширади. Агар, иссиқлик энергиясининг харид нархи рақобат асосида амалга оширилса, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш манбалари ўртасида ўзаро рақобат пайдо бўлади ва ривожланиб бориши учун шароит яратилади. Иссиқлик энергиясини харид қилишда рақобатнинг мавжуд бўлиши мезони қонунчиликда ифодаланади ва аниқ энерготизимда ЯХ моделига ўтиш имкониятини ва бу моделни амалга ошириш вариантларини аниқлашда қўлланилади. Бу модел ўрнатилган бошқарув қоидаларига мос равишда давлат ёки ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

Марказлашмаган манбадан иссиқлик қабул қилувчи қурилмага иссиқликни узатиш иссиқлик тармоғисиз амалга оширилиши мумкин. Марказлашмаган иссиқлик таъминоти тизими индивидуал ва маҳаллийларга бўлинади.

Индивидуал тизимда ҳар бир турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари алоҳида, яқка тартибдаги иссиқлик таъминоти манбасидан иссиқлик энергияси билан таъминланади. Маҳаллий иситиш таъминоти тизимида ҳар бир бино алоҳида иссиқлик манбасидан, одатда, маҳаллий қозонхонадан таъминланади. Ҳозирги пайтда томдаги ва қўшимча қурилган қозонхоналар



ривожланмоқда. Қўшимча қурилган қозонхоналар, қоидага кўра, бинолар гуруҳига мўлжалланади ва бинолар гуруҳига бевосита яқин жойлашган ҳудудда қўшимча қурилган хонада ўрнатилади. Томдаги қозонхоналар битта бинога мўлжалланади ва қоида бўйича, янги қурилаётган биноларга лойиҳалаштирилади ва ўрнатилади. Қозонхоналарнинг эски биноларда ўрантилиши кам ҳолларда амалга оширилади, чунки бундай бинолар конструкциясида қўшимча юкни кўтариш ҳисобга олинмаган. Эски биноларнинг индивидуал иситиш пунктларида қозонхоналар ўрнатилиши одатда амалга оширилмайди, чунки бу мураккаб мўрилар тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизими бошқариш ва назорат қилиниши осон бўлган тизим эканлиги билан бирга, бир қатор камчиликларга эга. Жумладан, уларнинг термодинамик самарадорлиги паст, ёқилғини нисбатан кўп сарфлайди, иссиқлик энергиясига хамроҳ маҳсулот ишлаб чиқариш мавжуд эмас, мураккаб мўрилар тизими зарур бўлади, атмосферани марказлаштирилганга кўра кўпроқ ифлослантиради, фойдали иш коэффициентини кўпайтириш чегараланган.

Диссертация ишининг «Ўзбекистон шаҳарларида иссиқлик таъминоти хизматлари тизими таҳлили ва тизим самарадорлигини оширишда тўлов тартибини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида мамлакатимизнинг энг йирик шаҳарлари бўлган Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг иссиқлик таъминоти тизимларининг техник аҳволи таҳлил қилинди. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими ХХ асрнинг 30-40-чи йиллардаги техник ғоялар базасида 50-70 чи йилларда шаклланган. Оқибатда тизимнинг самарадорлик кўрсаткичи меъёрдагидан анча паст.

#### 1- жадвал

**Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйича иссиқликнинг йиллик ишлаб чиқарилиши, иссиқликнинг норматив ва нормативдан ортиқ харажати<sup>13</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Иссиқлик таъминоти ҳудуди	
		Тошкент шаҳри	Самарқанд шаҳри
1.	Иссиқликнинг йиллик ишлаб чиқарилиши, минг Гкал	9795	246,1
2.	Турар жой ва жамоат биноларининг иситилиши, минг Гкал	7677,9	211,6
3.	Даражани 70 <sup>0</sup> С ушлаб туриш учун иссиқлик энергиясининг харажатлари, минг Гкал	1140,9	24,6
4.	Иссиқликнинг норматив йўқотишлари, минг Гкал	783,6 (8,0%)	19,7 (8,0%)
5.	Иссиқликнинг нормативдан ортиқ йўқотилиши, минг Гкал	2644,7 (27,0%)	86,1 (35%)

<sup>13</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида иссиқликнинг тармоқдаги йўқотилиши 27-35 фоизни ташкил этади (1-жадвал). Бу белгиланган меъёрдан қарийб 3,5 баробар кўп.

Тураар жой уйларида иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи ва назорат қилувчилар бўлмаса, иссиқлик истеъмолига тўловлар ҳақиқий ҳаражатлар бўйича эмас, балки нормативлар бўйича амалга оширилади. Бу истеъмолчиларда иссиқликни тежашга рағбат уйғотмайди. Натижада хонадонларда иссиқлик исрофгарчиликка йўл қўйилади, нормативдан ортиқ йўқотишлар содир бўлади. Бу иссиқлик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаражатларига қўшилади, чунки нормативдан ортиқ истеъмол иссиқлик энергияси тарифларига киритилмаган, зарарнинг бир қисми шаҳар ва давлат бюджетидан қопланади.

Ҳар бир хонадонда иссиқ сув ҳисоблагичларининг ўрнатилиши истеъмолчига маблағларни реал тежаш имконини беради, иссиқ сувга тўловни камайтиради. Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида иссиқ сув ҳисоблагичларини хонадонларга ўрнатиш иссиқ сув ҳаражатларининг 10% гача тежалишига олиб келади.

Ўтказилган таҳлил натижалари гелеотехник қурилмаларнинг талабларга тўлиқ жавоб бера оламслиги боис қуёш энергияси муқобил бўла оламслиги, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қувватини ошириш зарурати мавжудлиги туфайли электр иситиш асбоблари рақобатбардош бўлмаслиги, қулай нархларда иссиқлик ва электр энергиясини ҳамкор маҳсулот сифатида биргаликда ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги туфайли марказлаштирилган иссиқлик таъминоти энг тежамли муқобил эканлиги, Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг мавжуд усуллари комбинациясида агар қувватларни ошириш талаб этилса, комбинирлашган электр станциялар (КЭС) ўрнига янги ИЭМ ни қуриш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Таклиф этилаётган тизим бўйича иссиқлик электр энергиясини биргаликда ишлаб чиқариш алоҳида ишлаб чиқаришга нисбатан – 15,5% иссиқликнинг иқтисод қилиниши таъминлайди.

Иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликларни аниқлаш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари иссиқлик таъминоти бозори ҳолатининг сифат таҳлили ўтказилди. Шу мақсадда турли тоифадаги респондентлар танлаб олинди. Сўралганлар сони жами 150 киши. Сўровнома мазмуни иссиқлик таъминоти тизмининг фаолияти билан боғлиқ турли саволларни қамраб олган. Сўровнома натижаларига асосан тизимда меъёрий базани, шартномавий муносабатларни, иссиқлик энергиясини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Иссиқлик таъминоти хизматларига ҳақ тўлашда иссиқлик таъминоти ҳаражатлари ҳамда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари кўрсаткичлари ўртасидаги мутаносиблик муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда 2012-2020 йиллар мобайнида марказий иситиш таъминоти хизматлари ҳаражатларининг ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари динамикасини таҳлил қиламиз (2-жадвал).

2-жадвал кўрсаткичлардан маълум бўладики, аҳолининг реал пул даромадларининг ўсиши иссиқлик таъминотиغا харажатлари нархининг ўсишига нисбатан паст. Бу бир томондан, аҳолининг иссиқлик таъминоти харажатларига тўлов имкониятларининг пасайиш тенденциясини ифодаласа, иккинчи томондан марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари тизимидаги асбоб ускуналарнинг жисмонан эскириши, аварияларнинг кўплаб содир бўлиши натижасида меъёрдан 1,5 баробар ортиқ ёқилғи ишлатилиши натижасида харажатларнинг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Шу билан бир вақтда берилаётган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўланмаслик етказиб берилаётган ҳажмнинг 40-50%ни ташкил этади, бу ўз навбатида соҳа инқирозини жадаллаштиради.

## 2-жадвал

### 2012-2018 йилларда марказий иситиш таъминоти хизматларидан фойдаланаётган 1 кишига (яшовчига) иссиқлик таъминоти харажатлари динамикаси<sup>14</sup>

Қаралаётган йиллар	Кўрсаткичлар		
	1 кишига иссиқлик таъминоти харажатлари, сўмда	Иссиқлик таъминоти харажатлар индекси	Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари индекси
2012	236400,3	1,17	1,110
2013	293582,1	1,24	1,099
2014	320894,2	1,09	1,098
2015	390251,1	1,22	1,071
2016	460496,2	1,18	1,007
2017	483521,1	1,05	1,126
2018	589895,7	1,22	1,120
2019	648822,7	1,10	1,050
2020	709260,0	1,09	1,010
Ўсиш даражаси, марта	3,01	3,00	1,930


Иссиқлик таъминоти хизматларига тарифларни белгилашнинг бугунги ҳолати иссиқлик ишлаб чиқиш ва истеъмолчини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажмини реал қайд эта олмайди. Масаланинг иккинчи томони иссиқликка ягона тарифнинг мавжудлиги боис аҳолининг уни тежашдан манфаатдор бўлмайди ва иссиқлик етказиб берувчининг монопол мавқеи сақланиб қолади.

Тадқиқотлар натижасида иссиқлик таъминоти харажатлари ҳақ тўлаш тартиби бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги асосланди ва иссиқлик ишлаб

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг иссиқлик таъминоти соҳасида иқтисодий таҳлил ва тариф сиёсати бўлими маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

чиқиш ва истеъмолчини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажмини реал қайд этадиган, аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган терморегуляторли ўлчагичларни ҳар бир хонадонга ўрнатиш йўли билан такомиллаштирилган тўлов тартиби таклиф қилинди. Унга асосан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни реал қайд этиш имконияти пайдо бўлади, истеъмолчида иссиқлик энергиясини ортиқча ишлатмасликка рағбат уйғотади ва шу билан бирга истеъмолчи томонидан иссиқлик энергияси учун истеъмол ҳақини ўз вақтида тўлашга олиб келади.

Таклифнинг тажрибавий жорий этилиши тизимда молиявий барқарорликни таъминлаш билан бирга, ҳар бир хонадонда иссиқлик энергияси эҳтиёжга қараб истеъмол қилиниши натижасида энергия тежамкорлигига олиб келди.



**5-расм. Тўлов тартибини такомиллаштиришнинг ижобий томонлари<sup>15</sup>**

Тўлов тартибини такомиллаштиришнинг ижобий томонлари 5-расмда келтирилган.

Диссертациянинг «Иссиқлик таъминоти хизматлари тизими объектларини модернизациялашга жалб этиладиган инвестициялардан самарали фойдаланишнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобда иссиқлик энергетикаси объектларини модернизациялашга жалб этиладиган инвестициялардан самарали ва оптимал

<sup>15</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фойдаланишнинг эконометрик модели ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Иссиқлик энергетика объектларини модернизациялашга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми иссиқлик энергетика қувватларини ишга туширишнинг режали тузилмасига, пудрат ташкилотларининг бўш бўлган қувватига, иссиқлик энергетика объектларини модернизациялашнинг давом этиш меъёрларига мос бўлиши ва иссиқлик энергетикаси объектларини модернизациялашда пудрат ишларининг ритмиклигини таъминлаши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда иссиқлик таъминоти объектларини модернизациялашга жалб этиладиган инвестициялардан самарали ва оптимал фойдаланишнинг эконометрик модели таклиф қилинмоқда. Унга кўра: режалаштирилаётган объект меъёрий муддат ичида ишга туширилиши лозим; модернизация ва капитал таъмирлаш ишлари ҳажмлари пудрат ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари билан мослаштирилиши лозим; олдинги даврдан ўтадиган объектлар албатта режага киритилиши зарур; ишлаб чиқаришнинг ритмчилиги таъминланиши лозим; объектлар мажмуаси бўйича умумий йиллик ишлар ҳажми инвестициянинг кўзда тутилган тузилмасига мос бўлиши керак; модернизация қилинадиган иссиқлик энергетикаси объектларини ижрочиларга рационал бириктириш зарур.

Объектлар меъёрий давом этиш муддатлари бўйича тўрт гуруҳга ажратилади:

1. Режалаштирилаётган йилдан олдин бошланган ва режалаштирилаётган йилдан кейинги йилга ўтадиган (M1);
2. Режалаштирилаётган йилдан олдин бошланган ва режалаштирилаётган йилда тугайдиган (M2);
3. Режалаштирилаётган йилда бошланадиган ва режалаштирилаётган йилдан кейинги йилга ўтадиган (M3);
4. Режа йилида бошланадиган ва тугалланадиган (M4).

Инвестициянинг структуравий коэффициенти қуйидаги йўналишлар бўйича аниқланади:

ҳаракатдаги иссиқлик энергетикаси қувватларини реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш( $\alpha_1$ );

ҳаракатдаги иссиқлик энергетикаси қувватларини кенгайтириш( $\alpha_2$ );

янги иссиқлик энергетикаси объектларини қуриш( $\alpha_3$ );

Қўйилган масаланинг мақсади функцияси – устуворлик даражаси катта бўлган иссиқлик энергетикаси объектларида модернизация ишлари ҳажмини максималлаштиришдан иборат, яъни:

$$\sum_{i \in (M_3 \cup M_4)} \sum_{j=1}^n \beta_i \frac{\Phi_i}{\tau_i} l_{ij} x_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

Бунда қуйидаги чегаравий шартлар бажарилиши талаб этилади:

– модернизация ишлари ҳажми пудрат ташкилотлари ишлаб чиқариш қувватларидан ошиб кетмаслиги керак. Бу ерда аввалги йиллардан ўтаётган объектлардаги иш ҳажмлари албатта дастурга киритилиши шарт:

$$\sum_{i \in (M_3 \cup M_4)} \frac{\Phi_i}{\tau_i} l_{ij} x_{ij} \leq W_j - \sum_{i \in (M_1 \cup M_2)} \frac{\Phi_i}{\tau_i} r_i l_{ij}, \quad (j = \overline{1, n}) \quad (2)$$

$$r_i = \begin{cases} \tau_i - t_i, & \text{агар } \tau_i - t_i \leq 12 \\ 12, & \text{агар } \tau_i - t_i > 12 \end{cases} \quad (3)$$

– иссиқлик энергетикаси объектлари бўйича умумий иш ҳажми режалаштирилган инвестиция маблағлари таркибига мос бўлиши керак:

$$\sum_{i \in D_\alpha} l_{ij} \frac{\Phi_i}{\tau_i} x_{ij} + \sum_{i \in Q_k} \frac{\Phi_i}{\tau_i} r_i \leq \alpha_k \cdot K, \quad (\kappa = \overline{1, 3}), \quad (j = \overline{1, n}) \quad (4)$$

$$D_\kappa \in (M_3 \cup M_4), \quad Q_\kappa \in (M_1 \cup M_2)$$

– режалаштирилаётган йил охирида тугалланмаган модернизация ишлари ҳажми белгиланган ҳажмга мос бўлиши керак:

$$\sum_{i \in (M_3 \cup M_4)} \sum_{j=1}^n l_{ij} \frac{\Phi_i}{\tau_i} x_{ij} + \sum_{i \in M_1} \frac{\Phi_i}{\tau_i} (t_i + 12) \leq d \cdot K + \gamma \sum_{i \in M_4} \Phi_i \quad (5)$$

– янгидан бошланадиган иссиқлик энергетикаси объектларида ишларнинг давом этиш муддати ( $M_3$  ва  $M_4$  гуруҳ объектлари) режалаштирилаётган йилда қуйидаги тенгсизликлар системасига мос бўлиши керак:

$$\begin{cases} \sum_{j=1}^n l_{ij} x_{ij} \leq 12, & i \in M_3 \\ \sum_{j=1}^n l_{ij} x_{ij} \leq \tau_i, & i \in M_4 \end{cases} \quad (6)$$

– ечимнинг манфиймаслик шарти:

$$x_{ij} \geq 0, \quad i \in (M_3 \cup M_4), \quad j = \overline{1, n} \quad (7)$$

Қўйилган масалани математик ифодалаш учун қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:

$\beta_i$  –  $i$ -чи объектни модернизациялашнинг устуворлик даражаси (эксперт баҳолаш асосида аниқланади);

$\Phi_i$  –  $i$ -чи объектнинг смета бўйича модернизация ишлари нархи;

$\tau_i$  –  $i$ -чи объектни модернизациялаш норматив муддати (ойларда);

$W_j$  –  $j$ -чи пудрат ташкилотининг  $t_i$ -чи режалаштирилаётган йилдаги эркин қуввати ;

$l_{ij} = 1$ , агар  $i$ -чи объект  $j$ -чи пудрат корхонаси томонидан модернизация қилинса; 0 бўлса, аксинча;

$t_i$  –  $i$ -чи объектнинг режалаштирилаётган йил бошлангунга қадар модернизация муддати (ойларда);

$r_i$  –  $i$ -чи объектнинг режалаштирилаётган йилда муддати бўйича чегараси;

$K$  – модернизациялашга йўналтирилган йиллик инвестиция ҳажми;

$\alpha_k$  – модернизациялашга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибий коэффициенти  $\left(\sum_{k=1}^3 \alpha_k = 1\right)$ ;

$d$  – умумий инвестиция ҳажмига нисбатан тугалланмаган иш ҳажмларининг салмоғини ифодаловчи коэффициент;

$\gamma$  –  $M_4$  гуруҳдаги тугалланадиган объектлар бўйича модернизация ишларининг салмоғини ифодаловчи коэффициент;

$x_{ij}$  – режалаштирилаётган йилда  $i$ -чи иссиқлик энергетикаси объектини  $j$ -чи ташкилот томонидан модернизациялаш муддати.

$n$  – пудрат ташкилотлари сони.

Модернизация қилинадиган объектлар рўйхати уларнинг устуворлик даражасига қараб шакллантирилади (1). Уларнинг устуворлик даражаси буюртмачи томонидан  $i$ -чи объектни модернизациялашга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги;  $i$ -чи объектнинг ўзини қоплаш муддати; инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби;  $i$ -чи объектнинг директивлиги;  $i$ -чи объектнинг модернизациялаш даври каби хусусий баҳолашлар ёрдамида синтез қилинадиган мажмуали баҳолашлар орқали амалга оширилиши зарур. Бу ресурсларни аҳамияти юқори бўлган объектларга концентрациялашни ва уларни ўз вақтида модернизациялашни таъминлайди. (2) чегаравий шартлар тизими ишлар ҳажмининг ҳар бир пудрат ташкилоти имкониятлари билан балансланган бўлишини талаб этади. Бунда  $M_1$  ва  $M_2$  гуруҳ объектлари аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектлар сифатида албатта рўйхатга киритилади ва улардаги иш ҳажмлари  $r_i$  коэффициент миқдори билан аниқланади (3).

$M_3$  ва  $M_4$  объектлар тўпламидан дастурга киритиладиган объектлар рўйхатни шакллантириш (4) тенгсизликлар тизими билан ифодаланади. Бунда таркибий коэффициентга  $\sum_{k=1}^3 \alpha_k = 1$  шарт қўйилади.

Ишлаб чиқаришнинг ритмиклигини таъминлаш (5) тенгсизликлар тизими орқали амалга оширилади. Бунда  $\gamma$  коэффициент  $M_4$  гуруҳдаги тугалланадиган объектлар салмоғини ифодалайди.

Режалаштирилаётган йилда янгидан модернизация қилинадиган объектларнинг ( $M_3$  ва  $M_4$  объектлар гуруҳи бўйича) давом этиш муддатлари (6) тенгсизликлар тизими билан аниқланади. Ҳар бир объектни модернизация қилишнинг бошланиш муддати режалаштириш муддати (йил) ва объектни модернизация қилиш меъёрий муддати ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Бу норматив муддатларда модернизация (реконструкция) қилинаётган объектларда ишларнинг узлуксизлигини таъминлаш шартидан келиб чиқади.

(7) шарт ечимнинг манфий бўлмаслигини ифодалайди.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар моделнинг амалий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади (3-жадвал). Модел апробацияси учун Самарқанд шаҳар «Иссиқлик манбаи» жамиятининг бошланғич маълумотларидан фойдаланилди.

### 3-жадвал

#### Самарқанд шаҳридаги «Иссиқлик манбаи» жамиятининг эконометрик модел ёрдамида ишлаб чиқилган иссиқлик таъминоти объектларини модернизациялаш режаларининг вариантлари<sup>16</sup>

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Вариантлар				
			I	II	III	IV	V
1	Модернизациялаш учун зарур бўлган маблағ	Млн. сўм	199,68	202,634	202,134	201,0	189,6
2.	Ажартилган инвестиция ҳажми	Млн. сўм	202,634	202,634	202,634	202,634	202,634
3.	Дастур лойиҳаси бўйича модернизация ишлари ҳажми, жумладан:	Объектлар сони, дона Модернизация ишлари ҳажми, млн.сўм	9	27	26	13	6
	- таъмирлаш, реконструкция қилиш ва объектларни кенгайтириш		196,223	199,177	198,677	197,54	189,6
	- объектларни техник қайта қуроллантириш		2 3,457	2 3,457	2 3,457	2 3,457	- -
4.	Дастур лойиҳаси бўйича объектлар сони, жами	Объект	11	29	28	15	6
	жумладан: M <sub>1</sub>	Объект	-	-	-	-	-
	M <sub>2</sub>	Объект	-	-	-	-	-
	M <sub>3</sub>	Объект	-	1	1	1	1
	M <sub>4</sub>	Объект	11	28	27	14	6
5.	Коэффициентлар қийматлари:						
	- тугалланмаган иш ҳажмлари ҳиссаси	$d$	0	0.106	0.161	0.061	0.013
	- тугалланадиган объект-лар (M <sub>4</sub> ) бўйича модер-низация ишларининг ҳиссаси	$\gamma$	1	0.894	0.839	0.939	0.987
	- инвестициянинг таркибий коэффициентлари	$\alpha_1$	0.983	0.983	0.983	0.983	1
		$\alpha_2$	0.017	0.017	0.017	0,017	-
$\alpha_3$		-	-	-	-	-	

Масала симплекс усулдан фойдаланган ҳолда ечилди. Масаланинг ўлчами 41x33 ўлчамдаги матрица бўлиб, бунда 33 режалаштирилаётган йилда буюртма берилган янгидан бошланадиган объектлар сони. Ҳисоблаш

<sup>16</sup>Ҳисоблашлар натижасига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



натижалари 3-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган ҳисоблаш натижаларидан кўриниб турибдики, кўйилган масала 5 та вариантда ечилган. Бундан мақсад моделнинг бошқарув параметрларининг ишлаш қобилиятини текширишдан иборатдир. Хақиқатдан ҳам уларнинг қиймати ўзгариши дастур кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келишини 3-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан билиш мумкин. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таклиф этилаётган эконометрик модел иссиқлик таъминоти объектларини модернизациялашга жалб этиладиган инвестициялардан самарали ва оптимал фойдаланиш имкониятини беради.

## ХУЛОСА

Мамлакатимиз иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштиришнинг назарий-услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

1. Асосий иқтисодий адабиётларда келтирилган «хизмат» тушунчасининг назарий тасаввурлар тадқиқ қилинди, умумлаштирилди ва соҳанинг иқтисодийдаги ҳамда турмуш сифатини оширишдаги ўрни белгиланди.

2. Хизмат кўрсатишнинг мавжуд назарий қарашларини тадқиқ қилиш асосида «хизматлар» тушунчаси таърифи, иссиқлик таъминоти хизматларининг ўзига хос тавсифга эгалиги (эхтиёж пайдо бўлган захотиёқ уни кўрсатиш лозимлиги, уни алмаштириб бўлмаслиги, мунтазамлилик ва даврийликка эгалиги, мажбурийлиги, узлуксизлиги, тўхтовсизлиги ва ҳ.к. ) нуқтаи назардан такомиллаштирилди.

3. Иссиқлик таъминоти хизматлари миллий бозори энергия тежамкорлигига эришиш ва когенерацияга асосланиб соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда ушбу хизматлар сифатини оширишнинг рақамли бошқарувини жорий этиш асосида қўшимча имкониятлари асосланди;

4. Тадқиқотлар асосида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари тизимларини бошқаришнинг янги технологияларига ўтиши мақсадга мувофиқлиги ва инновацион инвестициялаш зарурати асосланди.

5. Мамлакатимизнинг марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари фаолиятини ривожлантириш давлат стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида «Миллий иссиқлик таъминоти тўғрисида» ги Қонунни қабул қилиш зарурати асослаб берилди.

6. Бутунжаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш вақтида ишлаб чиқилган бош режалар асосида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан фойдали бўлган марказлаштирилган иссиқлик тизимини модернизациялаш учун грантлар олиш имконияти асослаб берилди.

7. Марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизими иссиқлик таъминоти мавсумида иссиқлик энергиясини узлуксиз таъминлаш, иссиқлик узатувчи қувурларнинг эксплуатацияси даврини узайтириш, аҳолининг ушбу хизматларга кетган харажатларини камайитириш ва энергия самарадорлигини

ошириш асосида такомиллаштирилди ва уни амалиётга жорий этиш асослаб берилди;

8. Иссиқлик таъминоти хизматлари бозорида турли ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга йўналтирилган марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг «ягона харидор» модели ишлаб чиқилди ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

9. Ўтказилган ижтимоий суровнома натижаларига кўра, тизимда меъёрий базани, шартномавий муносабатларни, иссиқлик таъминоти хизматлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

10. Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўлов тартиби иссиқликни ишлаб чиқиш ва истеъмолчини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни реал қайд этиш ҳамда аҳоли томонидан иссиқлик сарфини тежашга рағбат уйғотадиган терморегуляторли ўлчагичларни хонадонларга ўрнатиш асосида такомиллаштирилди ва уни амалиётга жорий этиш асослаб берилди.

11. Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатувчи объектларни модернизация қилишнинг давомийлик меъёрларига ва маромийлигини таъминлашга асосланган инвестициялардан оптимал ва самарали фойдаланишнинг эконометрик модели ишлаб чиқилди ва соҳага жалб этилаётган инвестициялардан самарали ва оптимал фойдаланишда қўлланилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

**БЕКТЕМИРОВ АБДУМАЛИК**

**ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УСЛУГ ТЕПЛОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**08.00.05 – Экономика отраслей сферы услуг  
08.00.03 – Экономика промышленности**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2021**

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.DSc/Iqt18.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте экономики и сервиса.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** Пардаев Мамаюнус Каршибаевич  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Махмудов Носир Махмудович  
доктор экономических наук, профессор

Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич  
доктор экономических наук, профессор

Курбанов Зият Ниязович  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «3» XII 2021 года в 10<sup>30</sup> на заседании разового научного совета на базе научного совета DSc.03/30.12.2019.I.18.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте экономики и сервиса. Адрес: 140100, г.Самарканд, ул. Амира Темура, 9. Тел./факс: (99866) 233-19-84, (998 66) 233-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (регистрационный №36). Адрес: 140100, г.Самарканд, ул.Амира Тимура, 9. Тел.: (999866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «19» 02 2021 года.  
(Протокол реестра рассылки №8 от «16» 02 2021 года.)



**М.Э.Пулатов**  
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Н.Э.Ибадуллаев**  
Ученый секретарь разового научного совета на базе научного совета по присуждению ученой степени, к.э.н., доцент

**М.М.Мухаммедов**  
Председатель научного семинара при разовом научном совете на базе научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из физиологических потребностей человеческой жизни является потребность в тепловой энергии. «Во всем мире тепловая энергия преобладает среди традиционных источников энергии. Для выработки электроэнергии используется 46% угля, 18% газа, около 3% биомассы и 0,2% нефти. В целом, тепловые электростанции обеспечивают 2/3 общего производства всех электростанций в мире».<sup>17</sup> Сегодня в условиях глобализации мировой экономики страны уделяют особое внимание энергоэффективности. В этом контексте, в связи с существованием естественной монополии в системе теплоснабжения неуклонно возрастает значение совершенствования системы оказания услуг в этой области.

В настоящее время в условиях радикальной модернизации системы теплоснабжения на основе мирового опыта в области организации, демонополизации и развития рынка тепла, совершенствования управления, развития и формализации критериев качества поставки и использования тепловой энергии, повышения экономической эффективности услуг теплоснабжения особую значимость приобретает разработки проблем развития тепловой энергии, ускорение научных исследований по использованию возобновляемых источников, таких как ветер, солнечная энергия, геотермальная энергия, биоэнергетика.

В Узбекистане особое внимание уделяется стремительному развитию системы теплоснабжения, повышению ее эффективности. «Чтобы повысить эффективность использования энергоресурсов, нам необходимо реформировать энергосистему страны и разработать четкую стратегию в этом отношении. Прежде всего, необходимо приватизировать неэффективные и убыточные предприятия, ликвидировать монополию». Эти поручения главы нашего государства свидетельствуют о том, что развитие системы теплоснабжения поднялось до уровня государственной политики. В свою очередь, необходимо ускорить процесс модернизации услуг теплоснабжения, развивать рыночные отношения в системе, выявлять и в полной мере использовать внутренний потенциал системы, обеспечивать качество и непрерывность оказания услуг теплоснабжения, внедрять лучшие практики разработанных в странах мира применяются передовые энергосберегающие технологии, эффективное решение которых требует совершенствования системы теплоснабжения, разработки научно обоснованных предложений и рекомендаций по этому поводу.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит толчком к выполнению задач, поставленных в таких нормативно-правовых документах, как Законы Республики Узбекистан «Об управлении

---

<sup>17</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/Теплоэнергетика>.

многоквартирными домами» (2019 г.), «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О рациональном использовании энергии» (2021 г.), Жилищный кодекс (2013 г.), Указы Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 18 апреля 2017 года № ПФ-5017 «О дальнейшем совершенствовании управления жилищно-коммунального хозяйства», Постановление Президента Республики Узбекистан от 18 апреля 2017 года № ПП-2900 «Об организации Министерства жилищно-коммунального хозяйства Республики Узбекистан», от 20 апреля 2017 года № ПП-2912 «О программе развития систем теплоснабжения на 2018-2022 годы», от 2 декабря 2019 года № ПП-4542 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы отопления и финансового оздоровления предприятий теплоснабжения», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 июля 2014 года № 194 «Об утверждении Правил коммунального хозяйства», от 2 июня 2016 года №182 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы теплоснабжения республики» а также других нормативных правовых актов в этой области.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и техники республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>18</sup>.** Исследования по совершенствованию систем отопления проводятся в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе: University of Derby (Англия), Iceland School of Energy-Reykjavik University (Исландия), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Technical University of Denmark (Дания), Kungl Tekniska Högskolan – KTH (Швеция), Tampere University of Technology (Финляндия), Massachusetts Institute of Technology (США), Tsinghua University (Китай); RWTH Aachen University (Германия), KAIST – Korea Advanced Institute of Science & Technology (Южная Корея), Московский Государственный университет строительства (Россия), Ташкентский архитектурно-строительный институт, Самаркандский институт экономики и сервиса.

---

